

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ



# Битириув малакавий шии




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛAT ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ  
ИНГЛИЗ ТИЛИ ФАКУЛЬТЕТИ  
ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ВА АМАЛИЁТИ  
КАФЕДРАСИ

УМУРЗАКОВА ДИЛБАР ТОХИРОВНА  
(4 ўзбек 03)

СИНТАКТИК СТИЛИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ МАТН  
ШАКЛЛАНИШИДА ТУТГАН ЎРНИ

5120100 - Филология ва тиллирни ўқитиши (инглиз тили)  
таълим йўналиши бўйича бакалавр  
даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Илмий раҳбар:  Ф.Ф.н. Расулов З.И.

Битируд малакавий иш  
“Инглиз тили ўқитиши методикаси  
ва амалиёти” кафедраси Маддениида  
муҳокама қилинди ва  
химояга тавсия этилди. INGLIZ TILI  
FAKULTETI

Баённома №10,  20  йил



Кафедра мудири:

 Ф.Ф.н. Шомуродова Ш.Ж.

Самарқанд – 2017

## **Мундарижа**

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>Биринчи боб. Матн таҳлили ва стилистик восита.....</b>	<b>8</b>
1.1.Функционал услубларнинг шаклланишида стилистик воситаларнинг тутган ўрни.....	8
1.2.Бадиий матннинг синтактик хусусиятлари.....	22
<b>Иккинчи боб. Синтактик стилистик воситаларнинг умумий моҳияти.....</b>	<b>30</b>
2.1.Нуткнинг оғзаки шакли хусусиятларига асосланган синтактик стилистик воситалар .....	32
2.2.Боғловчилар ишлатилишига асосланган синтактик стилистик воситалар.....	49
2.3.Структурали маъноларнинг ўзаро муносабатига асосланган синтактик стилистик воситалар.....	51
<b>Хулоса.....</b>	<b>54</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>56</b>

Сайфиддинов Абдуллоҳ Ризанисониевич - доктор физико-математических наук, профессор, заслуженный деятель науки Республики Узбекистан, член-корреспондент Академии наук Узбекистана, кандидат технических наук, доцент кафедры физики и математики Ташкентского политехнического института им. Гуркина, профессор кафедры физики и математики Ташкентского инженерно-педагогического института им. Гуркина, профессор кафедры физики и математики Ташкентского инженерно-технического университета им. Гуркина. Учился в Ташкентском политехническом институте по специальности «Физика и математика». Видный учёный в области физики и математики, заслуженный деятель науки Узбекистана, заслуженный деятель науки Республики Таджикистан, заслуженный деятель науки Республики Казахстан, заслуженный деятель науки Республики Беларусь.

Муродов Абдуллоҳ Ризонисониевич - кандидат физико-математических наук, доцент кафедры физики и математики Ташкентского политехнического института им. Гуркина, старший научный сотрудник Института проблем радиотехники и электроники Академии наук Узбекистана.

## Кириш

Хозирги кунда дунё миқёсида жадал кечётган ривожланишлар, илм-фан, техника тараққиёти каби омиллар замирида изланишлар ва интилишлар ётади. Бу борада эртанги кунимиз тараққиёти ёшлар тафаккури, онгу-шуури, илмга ва тараққий этишга бўлган интилишлари билан чамбарчас боғлик. Шу боисдан илм-фаннынг қайси соҳаси бўлмасин ўз касбини мукаммал билишга ҳаракат қилиш келажакда қўлга киритиладиган ютуқлар дебочаси саналади. республикамиз президенти Ўзбекистон республикаси президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [2;2] деганда ёшлар олдида нақадар маъсулиятли вазифалар турганлигини англашимиз мумкин бўлади. Бу фикрни давом эттирган ҳолда президентимизнинг “Ёшларимиз ҳакли равишда ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани ғурур ва ифтихор бағишлийди”[2;2] дея билдирган ишончлари ёшларга яратилаётган имкониятлар замирида катта меҳнат ётганлигини тасдиқлагани ҳолда маъсулият юкини яна бир карра оширади.

Тилшунослик соҳасида охирги йилларда олиб борилаётган фундаментал тадқиқотлар натижалари ҳали бу борада кўплаб амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг мавжудлигини тасдиқламоқда. Сўнгги йилларда когнитив тилшунослик, қиёсий тилшунослик, прагмалингвистика каби йўналишларда республикамизда бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилди ва муайян ютуқларга эришилди.

Тадқиқот ишида нутқнинг оғзаки шакли хусусиятларига асосланган синтактик стилистик воситалар, структурали маъноларнинг ўзаро муносабатига асосланган синтактик стилистик воситаларнинг матн

шаклланишида тутган аҳамиятини изчил тарзда тадқиқ этиши **тадқиқот ишининг долзарблигини** асослаб беради. Тилнинг функционал услублари шаклланишида стилистик воситаларнинг тутган ўрнини таҳлил қилиш, бадий матнда асосий мантиқий маъно ва контекстуал маъноларнинг юзага чиқишида синтактик ифода воситаларининг аҳамиятини асослаб бериш назарий жиҳатдан муҳим саналади.

Матн ва турли таркибий (структуравий) маъноларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда бадий матн ва контекстуал маъно моҳиятининг тўлақонли очиб берилишида синтактик стилистик воситаларнинг тутган ўрнини амалий жиҳатдан ўрганиб, инглиз ва ўзбек тиллари доирасида қиёслаш **тадқиқот ишининг илмий янгилигини** акс эттиради.

**Тадқиқот ишининг ўрганилганлик даражаси.** Тилнинг функционал услублари шаклланишида ифода ва стилистик воситаларнинг тутган ўрнини таҳлил қилиш, бадий матнда асосий мантиқий маъно ва контекстуал маъноларнинг юзага чиқишида синтактик ифода воситаларининг аҳамиятини қиёсий жиҳатдан тўлақонли таҳлилини ўтказиш ўзбек тилшунослигида тўла ўрганиб чиқилмаган. Бу борада ўзбек тилшунослари Л.Т.Бобохонова “Инглиз тили стилистикаси”, К.Мусаев “English stylistics”, Д.Хожиева, Ф.Рўзикуловлар “Stylistics through practice” номли инглиз тили стилистикасини ўрганишга қаратилган ишларида синтактик стилистик воситалар хусусида умумий маълумотлар бериб ўтганлар. Жаҳон тилшунослигида И.В.Арнольд, И.Р.Гальперин, Т.П.Иванова, О.П.Брандес, В.Тёрнер, С.Ульман, Г.Браун, В.А.Кухаренко, Г.А.Орлов, Г.Дэвис, Х.Рид, М.С.Чаковская каби тилшунослар тилнинг функционал услублари ва стилистик воситалар хусусида илмий изланишлар олиб борганлар. Бу каби изланишлар одатда умумий характерга эга бўлиб, айнан синтактик стилистик воситалар ва матн муаммоси алоҳида тадқиқ этилмаган. Шунга кўра тадқиқот иши мавзусини ўрганишни талаб этадиган мавзуу сифатида bemalol тадқик этишимиз мумкин.

Нутқнинг оғзаки шакли хусусиятларига асосланган синтактик стилистик воситалар, боғловчилар ишлатилишига асосланган синтактик воситалар, структурали маъноларнинг ўзаро муносабатига асосланган синтактик воситалар **тадқиқот ишининг предмети** сифатида хизмат қиласди. **Тадқиқот обьекти** вазифасини турли хил бадий матнларда кўлланилган синтактик стилистик воситалар бажаради.

**Тадқиқот ишининг мақсади** синтактик стилистик воситаларни қиёсий жиҳатдан мукаммал ўрганиш ва бадий матн таркибида тутган ўрнини белгилаб олишдан иборат. Ишнинг мақсадига узвий боғлиқ ҳолда тадқиқот жараёнида куйидаги **вазифаларни амалга ошириш** кўзда тутилган:

1.Синтактик стилистик воситаларнинг умумий хусусиятларини таҳлил қилиш;

2.Синтактик стилистик воситаларни қиёсий жиҳатдан инглиз ва ўзбек тиллари доирасида ўрганиб чиқиш;

3.Бадий матн таркибида синтактик ифода воситалари ва стилистик воситаларнинг тутган ўрнини назарий жиҳатдан таҳлил этиш;

4.Инглиз ва ўзбек тиллари кесимида бадий матн таркибида кўлланилган синтактик стилистик воситаларнинг коммуникатив функцияларини изчил тарзда ўрганиш.

**Тадқиқот ишининг гипотезаси.** Матн ва турли таркибий маъноларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда бадий матн ва контекстуал маъно моҳиятининг тўлақонли очиб берилишида синтактик стилистик воситаларнинг тутган ўрнини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиб чиқиш, иккита тил доирасида қиёсий таҳлилини ўтказиш матн ва қиёсий тилшунослик нуктаи назаридан тил тараккиёти қонуниятларининг айrim жиҳатларини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот ишида **химояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар** куйидагилардан иборат:

1.Гап қурилишидаги ўзига хос махсус қўлланишларда алоҳида гап шаклларини юзага келтирувчи синтактик стилистик воситалар эмоция ифодалаш учун хизмат қилади;

2.Синтактик стилистик усул вужудга келиши учун норма сифатида қабул қилинган мавжуд морфологик, синтактик ва стилистик қоидалардан чекиниш лозим бўлади;

3.Структурали маънолар лексик ҳамда матний (контекстуал) маъноларга таъсир эиши мумкин;

4.Синтактик стилистик воситаларда таркибий элементлар мустақил маънога эга бўлғанлиги боис улар грамматик ва таркибий маъноларни вужудга келтиради;

5.Синтактик стилистик воситалар таркибидаги элементлар мавжуд мазмунни белгилаб беради;

6.Синтактик стилистик таъсир воситалари ўз моҳиятига кўра оғзаки нутқ хусусиятларига яқин туради;

7.Синтактик таъсир воситалари оғзаки нутқ кўринишидан ёзма нутқ кўринишига ўтганда матн таркибида умумлашади ва стилистик восита ҳолатини эгаллайди.

**Назарий** жиҳатдан олиб қаралганда, синтактик ифода воситалари ва стилистик воситаларни тадқиқ этиш, уларни гурухларга бўлиб ўрганиш стилистикада узвий чамбарчас алоқаларнинг йўлга қўйилишида муҳим аҳамият касб этади. Матн ва турли таркибий маъноларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда бадиий матн ва контекстуал маъно моҳиятининг тўлақонли очиб берилишида синтактик стилистик воситаларнинг тутган ўрнини назарий жиҳатдан ўрганиб чиқиш тилшуносликда матн таҳлили бўйича мавжуд айrim мураккаб тушунчаларни соддалаштириш имконини беради.

**Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки,** таҳлил этилган материаллардан қиёсий тилшунослик, стилистика ва матн таҳлили, дискурс таҳлил каби курсларни ташкил этишни самарали йўлга қўйишида катта имконият очиб бериши билан биргаликда гап қурилишидаги ўзига хос

максус қўлланишларга алоҳида гап шаклларини юзага келтирувчи синтактик стилистик воситалар эмоцияни ифодалаш учун хизмат қилганлиги боис чет тили ўқитиш методикаси курсларида ҳам таҳлил натижаларидан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, синтактик стилистик усул вужудга келиши учун норма сифатида қабул қилинган мавжуд морфологик, синтактик ва стилистик қоидалардан чекиниш лозим бўлганлиги учун тадқиқот натижаларидан морфология ва синтаксисга оид курсларни ташкил этишда ҳам эътиборга олиш мумкин.

**Тадқиқот ишининг структуравий тузилиши.** Структуравий жиҳатдан тадқиқот иши Кириш, икки боб, Хулоса ва Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, Кириш қисмида ишининг обьекти, предмети, мақсади ва вазифалари баён қилинган. Тадқиқот иши мақсадидан келиб чиқсан ҳолда унинг олдига кўйилган вазифалар моҳияти, тадқиқот иши гипотезаси ҳамда химояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар батафсил ёритиб берилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси, долзарблиги, илмий янгилиги хусусидаги фикрлар билдирилган.

Биринчи бобда тилнинг функционал услублари шаклланишида стилистик воситаларнинг тутган ўрни, матн мазмунининг юзага чиқишида ифода воситаларининг тутган ўрни борасида фикрлар билдирилган.

Иккинчи бобда синтактик стилистик воситаларнинг умумий моҳияти, боғловчилар ишлатилишига асосланган синтактик стилистик воситалар, нутқнинг оғзаки шакли хусусиятларига асосланган синтактик стилистик воситалар ва структурали маъноларнинг ўзаро муносабатига асосланган синтактик стилистик воситалар тўғрисида маълумотлар берилади.

Ишнинг хулоса қисмида синтактик стилистик воситаларни ўрганиш бўйича келтирилган назарий ва амалий материаллар тўғрисида умумий хуласалар келтирилган.